



LEGAL BASES AND PRINCIPLES OF PROSECUTOR'S ACTIVITY IN CRIMINAL PROCEEDINGS

D.S. Dovudova

Prosecutor of the General Prosecutor's Office, Doctor of Law, associate professor

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13842441>

ARTICLE INFO

Received: 19th September 2024

Accepted: 25th September 2024

Online: 26th September 2024

KEYWORDS

Legal basis, prosecutor's office, criminal procedure, principle, human rights and freedoms, prosecutor, judge.

ABSTRACT

In the article the participation of the prosecutor in the judicial process and reforms aimed at its improvement, its importance, concept of the principles of the prosecutor's activities in criminal proceedings, essence, theoretical aspects and the role of these principles in ensuring human rights and freedoms.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ СУД МУҲОКАМАСИДА ПРОКУРОР ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

Д.С.Довудова

Бош прокуратура бошқарма прокурори

ю.ф.д.,(DSc) доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13842441>

ARTICLE INFO

Received: 19th September 2024

Accepted: 25th September 2024

Online: 26th September 2024

KEYWORDS

Ҳуқуқий асос, прокуратура, жиноят процесси, принцип, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, прокурор, судья.

ABSTRACT

Мақолада суд муҳокамасида прокурорнинг иштироки ва уни такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар, унинг аҳамияти, жиноят процессида прокурор иштирокига доир ҳуқуқий асослар, жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор фаолияти принциплари тушунчаси, моҳияти, назарий жиҳатлари ҳамда ушбу принципларни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ўрни мушоҳада қилинган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, авваламбор, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, бунда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, судда ишларни юритишда тортишув тамойилининг тўлақонли татбиқ этилиши учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва



эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4850-сонли фармони¹ фикримизнинг исботидир. Унда фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишлари этиб белгиланганди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги фармони билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 52-бандида “Судлар фаолиятида прокурор иштирокини такомиллаштириш” масалалари белгиланган². Унга кўра, давлат айбловчиси фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мувофиқлаштириш юзасидан қонун лойиҳасини тайёрлаш назарда тутилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармонида (1-илоvasи) қайд этилган 17-мақсадга кўра, “қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустақкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун — устувор, жазо — муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш, фуқароларнинг кадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш бугунги кундаги ислохотларнинг устувор вазифаларидан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январь кундаги “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 12-сонли фармонининг 1-бандида одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси фаолиятида 2023 йил 1 сентябрга қадар “Судларда прокурор иштироки” ахборот тизимини яратилиб, дастлаб синов тарзида ишга тушириш ҳамда 2024 йилдан амалиётга тўлиқ жорий этиш белгиланди³.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги 11-ва 12-сонли фармонларида 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида бир қатор вазифалар белгиланган бўлиб, жумладан, “Ихтисослаштирилган прокурорлар корпуси” ташкил қилиш ва унга “Прокуратура тўғрисида”ги [қонун](#) ҳамда процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда судларда ишларни кўришда прокурор ваколатини таъминлаш, суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда одил судлов фаолиятининг самарали амалга оширилишига кўмаклашиш, жинойт ишлари бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4850-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 5953-сонли фармони билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури 52-банди. [электрон кутубхона], қаралган вақти 26.06.2020 й. <https://lex.uz/docs/4751561>

³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.01.2023 й., 06/23/12/0034-сон.



судларда давлат айбловини фақат қонунга асосланиб, холисликни сақлаган ҳолда сифатли қўллаб-қувватлаш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишига эришиш, суд амалиётидан келиб чиққан ҳолда суриштирув ва тергов органлари ходимларининг амалий кўникмалари ҳамда малакасини ошириш ишларига кўмаклашиш вазифалари юклатилган.

“Ихтисослашган прокурорлар корпуси” ходимига судларда кўрилаётган ишлар бўйича айбловни (фуқаровий даъвони) қўллаб-қувватлаш, ўзгартириш ёки ундан воз кечиш, шу жумладан Жиноят кодекси нормаларини қўллаш, жазо тури ва меъёрини белгилаш масалалари юзасидан фикрини судга баён қилишда мустақил бўлиб, қонун талабларига ва ишнинг барча ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ўз ишончига асосланиши белгиланган⁴.

Мазкур фармонлар ижросини самарали ташкил этиш мақсадида Бош прокурорнинг 2023 йил 20 январдаги фармойиши асосида ишчи гуруҳ тузилган ва назорат режаси ишлаб чиқилган⁵. Шу билан бирга, 2023 йил 25 январда Бош прокурорнинг “Одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси фаолиятини ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинган⁶.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўринадикки, суд-ҳуқуқ ислохотларида судлар фаолиятида прокурор иштирокини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки жиноий суд ишларини юритишда прокурорлар давлат вакили⁷ сифатида намоён бўлади. Унинг билим-савияси, ўзини тутиши, процессга тайёрлиги, далилларни текширишдаги иштироки, зийраклиги иш бўйича қандай қарор қабул қилинишига ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индексларда муносиб кўрсаткичларга эга бўлишини таъминлаш масаласида ҳукумат даражасида тизимли сиёсат амалга оширилмоқда. Жумладан, бевосита мавзуга боғлиқ бўлган “Қонун устуворлиги” индекси (*The Rule of Law Index*) 2010 йилда ишлаб чиқилган, дунё мамлакатларида қонун устуворлигининг таъминланганлик кўрсаткичини аниқловчи глобал тадқиқот ҳисобланади. Ушбу индекс ҳар икки йилда бир марта Жаҳон Адлия лойиҳаси (*World Justice Project*) халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан аниқланиб, экспертлар ўртасида кенг қамровли сўров ўтказиш натижалари ва статистик маълумотларга асосланади)⁸ бўйича “Фуқаролик, жиноий одил судлов” индикаторлари мавжуд бўлиб, жиноят масалаларида одил судлов индикаторининг ижобий баҳоланишида юқорида қайд

⁴ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.01.2023 й., 06/23/11/0033-сон.

⁵ Бош прокурорнинг 20.01.2023 йилдаги №2-Ф-сонли фармойиши. ХДФУ

⁶ Бош прокурорнинг 2023 йил 25 январдаги №4-Б-сонли буйруғи.

⁷ Давлат – жамиятнинг олий сиёсий институти бўлиб, шу жамиятда яшаётган мамлакат фуқаролари манфаатини ҳимоя қилиш учун ўрнатилади. Прокуратура эса давлат номидан унинг вазифа ва функцияларини амалга оширади ҳамда энг асосий вазифаси қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилиш ва бошқалардан иборат. Шу сабабли жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор давлат вакили сифатида намоён бўлади.

⁸ Арипов Д.У. Суд ҳокимияти мустақиллигини ташкилий-ҳуқуқий такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари. Юридик фанлар бўйича фан доктори (DSc) диссертация иши. Бош прокуратура Академияси. 2022 й. 209-б.



этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва суд муҳокамасида сифатли прокурор иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Прокуратура ходимлари юқори касбий малака ва юксак инсоний фазилатлари билан давлат органлари хизматчиларига ўрнак бўлиши, ҳамиша адолат ва қонунийлик ҳимоясида туриши лозим»⁹.

Прокуратура органлари хорижий давлатларда суд (Болгария, Испания, Латвия, Грузия ва бошқа) ва ижро ҳокимияти (Дания, Мексика, Швеция, Норвегия ва бошқа) тизимига киради. Ғарб давлатларида прокуратура айблов органи (Франция, Германия, Словения, Белгия ва бошқа) ҳисобланса-да, прокуратура ва қонунда асосий принцип мавжуд бўлиб, бу инсон ва фуқаро ҳуқуқларини таъминлашдир¹⁰.

Масалан, Францияда прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми 1958 йилда қабул қилинган конституция, Франция Жиноят-процессуал кодекси ва 58-1270-сонли “Суд ташкилоти ва Ординариси” номли кодекс билан белгиланади. Франция прокуратураси адлия тизимига кирганлиги сабабли прокуратура ижро ва ишни судда кўришни таъминловчи позицияга эга ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шундаки, Францияда прокуратура ва судьялар бир хил процессуал мақомга эга¹¹. Франция прокуратурасининг асосий вазифаси судгача бўлган босқичда терговни назорат қилиш ва судда давлат айбловини қўллаб-қувватлашдир.

Худди шу каби Испания¹² ва Болгария¹³ давлатлари конституциясида прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми, тизими, функцияси ва бошқа масалалар ўз ифодасини топган.

Мамлакатимиз Конституциясининг (янги таҳрирдаги) XXV бобида прокуратура органларининг конституциявий мақоми, фаолиятига бағишланган бўлиб, унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши қайд этилган¹⁴. Мазкур норма прокуратура органлари фаолиятининг асосий раҳбарий қоидаси ва функцияси ҳисобланади.

Судда иш юритишга нисбатан прокурорлар учун норматив-ҳуқуқий аҳамият касб этмаса-да, халқаро майдонда тавсиявий ҳамда мажбурий характерга эга ҳужжатлар мавжуд.

Хусусан, прокурорларнинг профессионал хулқи ва масъулияти соҳасида халқаро ҳужжатлар мавжуд бўлиб, бунда энг аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини¹⁵ айтиб ўтиш жоиздир. Мазкур декларация Бирлашган Миллатлар

⁹ ЎЗА. <http://uza.uz/ru/politics/>. 31.01.2018 й.

¹⁰ Поторыкина Е.Ю. Уголовно-процессуальный статус прокурора в судопроизводстве европейских государств. Социально-экономические явления и процессы. Т. 10, № 12, 2015 г. 132-135 С.

¹¹ Тюнина И.И.. Конституционно-правовой статус прокуратуры в России и зарубежных странах. Поступила в редакцию 13 сентября 2021 г. С 20.

¹² <https://www.boe.es/legislacion/documentos/ConstitucionINGLES>

¹³ <https://www.parliament.bg/en/const>

¹⁴ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

¹⁵ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда қабул Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>



Ташкилотига аъзо давлатлар ҳурмат қилиши ва риоя этиши лозим бўлган бўлган принципал қоидаларни ифодалайди¹⁶.

Бундан ташқари, БМТ Бош Ассамблеясининг “Прокуратура органларининг ҳалоллиги ва поклигини амалга ошириш ва салоҳиятини ривожлантириш орқали қонунийликни мустаҳкамлаш” деб номланган 17/2-резолүциясида жиной ишни кўришда прокурорнинг роли хусусидаги қоидалар қайд этилган¹⁷.

Халқаро прокурорлар ассоциацияси 1995 йилда Венада жойлашган БМТнинг ваколатхонасида ташкил этилган ва унга бугунги кунда 180 та давлат аъзо бўлиб, у дунёнинг кўп мамлакатлари прокуратура органлари ўртасида профессионал алоқаларни ўрнатиш учун муҳим платформа ҳисобланади. Мазкур ассоциация томонидан ишлаб чиқилган “Прокурорларнинг профессионал масъулияти, асосий мажбуриятлари ва ҳуқуқлари стандартлари” прокурорлар ҳуқ-атвори ва суд таъқиби хизматчиларининг халқаро стандарти сифатида хизмат қиладиган ҳужжат ҳисобланади¹⁸.

Европа Кенгашига аъзо давлатларга Вазирлар қўмитасининг “Жиной судлов тизимида давлат айбловчисининг ўрни” ҳақидаги тавсияномаси R(2000) 19 Европа Кенгаши ҳужжати¹⁹ мавжуд бўлиб, унда давлат айбловчисининг функциялари, уларга юклатилган функцияларни бажаришдаги қафолатлари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият, судьялар, полиция билан давлат айбловчиси ўртасидаги муносабат, фуқароларга бўлган муносабатда давлат айбловчисининг мажбуриятлари, халқаро ҳамкорлик масалалари ўрин олган. Бироқ, мазкур ҳужжат тавсиявий характерга эга ҳисобланади.

Судда жинойт ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти борасида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида²⁰ умумий ва асосий нормалар мустаҳкамланган.

Унда прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек, уларнинг ваколатлари қайд этилган. Айнан “Судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатлари” деб номланган тўртинчи бўлимида судда иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари белгиланган.

Судда жинойт ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлашнинг ягона ва мажбурий ҳуқуқий асоси – бу Ўзбекистон Республикаси Жинойт-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖК). Амалдаги ЖКда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, суд, суд қарорлари ижроси билан боғлиқ босқичларда прокурор ваколатлари ва уларни амалга ошириш механизмлари белгиланган.

Шунингдек, прокуратура органларининг жинойт ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш фаолиятининг ташкилий ва амалий жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 27 ноябрдаги “Жинойт ишлари бўйича

¹⁶ Прокурорларнинг профессионал масъулияти, асосий мажбуриятлари ва ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва миллий стандартлар (ўқув қўлланма). Т.: “Fan va texnologiya”, 2011 й., - 8-б.

¹⁷ Ўша ўқув қўлланма. Т.: “Fan va texnologiya”, 2011 й., - 19-26-б.

¹⁸ Ўша ўқув қўлланма. Т.: “Fan va texnologiya”, 2011 й., - 26-35-б.

¹⁹ Европа Кенгашига аъзо давлатларга Вазирлар қўмитасининг “Жинойт судлов тизимида давлат айбловчисининг ўрни” ҳақидаги тавсияномаси R(2000) 19 Европа Кенгаши ҳужжати <http://docs.cntd.ru/document/90199642>

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни. 29.08.2001 й. 257-II-сон [электрон ресурс], қаралган вақти 14.10.19 й. <http://www.lex.uz/acts>



судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 126-сонли буйруғи (кейинги ўринда Бош прокурорнинг соҳавий буйруғи ёки соҳавий буйруқ) билан тартибга солинади.

Бош прокурорнинг соҳавий буйруғида жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор ваколатлари, соҳадаги прокурор фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари, давлат айбловчисининг фикрига қўйилган талаблар, алоҳида тоифадаги ишларни кўришда ва суд қарорларига баҳо беришда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар, мурожаатларни ҳал этиш, мурожаатлар асосида жиноят ишларини ўрганиш масалалари ва бошқалар ёритилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни 25-моддасига асосан қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтириш берилган қонунчиликни қўллаётган давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир²¹. Шунга кўра, Олий суд Пленуми қарорлари ягона амалиётни шакллантиришга қаратилган бўлиб, прокурорлар учун ҳам мажбурий аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб фикримизча, прокурорнинг соҳа фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини шартли бир неча гуруҳларга таснифлаш мумкин:

а) халқаро умумэътироф этилган ҳужжатлар (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа бир қатор ҳужжатлар);

б) умумий қоидаларни белгиловчи раҳбарий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси);

в) бевосита соҳани, процессуал, ташкилий ва амалий жиҳатларини тартибга солишга қаратилган ҳужжатлар (“Прокуратура тўғрисида”ги қонун, ЖПК, Бош прокурорнинг соҳавий буйруғи, Олий суд Пленум қарорлари ва бошқа);

г) фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Президент қарор ва фармонлари, давлат органларининг қўшма қарорлари ва б).

Жиноят ишларининг суд муҳокамасида кўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш ҳуқуқий асосларга таянади. Ҳуқуқий асослар прокурорнинг функцияси ҳамда ваколатларини белгилаб беради.

Ҳар бир ҳуқуқ соҳаси унинг моҳияти ва мазмунини акс эттирувчи принципларга эга. Мазкур ҳуқуқ соҳасининг принциплари унинг мавжуд бўлиши, муайян тартибни белгилаши, ривожланиши учун асосий ўринни эгаллайди.

Принциплар – бу жамиятдаги ҳуқуқнинг мазмуни, ечими ва мақсадини тавсифловчи раҳбарий қоидалардир²². Принциплар ҳуқуқнинг ҳар қандай соҳасига хосдир, нормаларда мавжуд ва унинг асосий ҳуқуқий қоидаларини ташкил этади.

Баъзи бир манбаларда принцип марказий тушунча, тизимнинг асоси, ҳодисаларини умумлаштириш ва тақсимлаш, асос, қоида, илмий ёки ахлоқий тамойил

²¹ Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 25-модда. [электрон ресурс], қаралган вақти 14.08.23 й. <http://www.lex.uz/acts>

²² Теория государства и права: Учеб. / Под ред. В. М. Корельского, В. Д. Перевалова. М.: Норма, 2000 г. С. 242.



деб таърифланади²³. Бошқа бир манбаларда - баъзи бир назария, таълимот, дунёқарашнинг асосий, бошланғич позицияси сифатида ёки эътиқод, бирор нарсага қараш; бирор нарсанинг қурилмасидаги асосий хусусият сифатида келтирилади²⁴.

Юридик манбаларда «prinsip» сўзи лотинча «principium» сўзидан келиб чиқиб, унинг маъноси «асос», «асосий омил» каби тушунчаларни англатади²⁵. «Принцип» сўзи лотинча «принципиум» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида «асос», «қоида», «негиз» деган маъноларни англатади²⁶.

Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ принципларини уч гуруҳга, яъни умумҳуқуқий, соҳалараро ва соҳавий принципларга ажратиш кенг тарқалган. Умумҳуқуқий принциплар барча ҳуқуқ соҳалари учун умумхарактерга эга бўлганлиги билан изоҳланади. Соҳалараро принциплар ҳуқуқ соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган принциплар, бошқа ҳуқуқ соҳаси учун ҳам амал қилади. Соҳавий принциплар ҳар бир ҳуқуқ соҳасининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб татбиқ этиладиган принципларни назарда тутлади²⁷.

П.Лупинскийнинг таъкидлашича, жиноят процесси принциплари жамиятда ҳукм сураётган сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий ғояларни акс эттирувчи объектив ҳуқуқий категориялар сифатида белгиланади²⁸. Суд ишларини юритишда принциплар муҳим ўринга эга. М.Строгович принциплар жиноят процесси қурадиган энг муҳим ва белгиловчи ҳуқуқий қоидалар деб ҳисоблаш лозимлиги таъкидлайди²⁹. Аксарият олимларнинг фикрича, принциплар институт босқичларини, шаклларини, мазмунини белгилайди ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг реал кафолатларини, процессуал таъсир субъекти ва усулининг энг муҳим белгиларини тавсифлайди. Демак, принциплар жиноят-процессуал ҳуқуқининг моҳияти ва мазмунини белгилайди³⁰.

Б.Тугутовнинг фикрича, жиноят процесси ўз мазмунига кўра жиноят процесси мақсадларига эришиш учун танланган принциплар ва уларни амалга ошириш шартлари асосида шакллантирилган, мувофиқлаштирилган, ўзаро боғланган ва ягона тизимга бирлаштирилган унинг иштирокчилари ролларининг мажмуидир³¹.

Бизнинг фикримизча, *жиноят процесси принциплари* – бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган умумий принциплар қоидаларидан келиб чиқувчи жиноят ишларини юритишнинг хусусиятлари, характери ва мазмун-моҳиятини белгиловчи ҳамда процесс босқичларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш билан боғлиқ жиноят-процессуал

²³ Даль В. Толковый словарь живого великорусского языка. Т. 3. М., 1982 г. С. 431.

²⁴ Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фразеологических выражений. 4-е изд., доп. М.: Азбуковник, 1997 г. С. 595-596.

²⁵ Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism. Darslik. // Mualliflar jamoasi. / yu.f.d., dots. G.Z.To'laganova va yu.f.n., dots. S.M.Raxmonovalarning umumiy tahriri ostida –Toshkent: TDYU nashriyoti, 2016-y. – 44-b.

²⁶ Русча-ўзбекча луғат. 2-том.Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси. Тошкент.; 1984 й. –215-б.; Гражданский процесс. Кол. Авторы. –М: Спарк.1999 г. –С.25.

²⁷ Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллиф жамоаси // Масъул муҳаррирлар: ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов, ю.ф.н., проф. Д.Ю.Хабибуллаев. – Тошкент. "Lesson press" нашриёти. 2020 й. – 36-37-б.

²⁸ Уголовно-процессуальное право Российской Федерации / Отв. ред. П. А. Лупинская. – М., 2004 г. – С. 174.

²⁹ Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса: В 3т. Т.1. –М., 1968 г. С.124.

³⁰ Белоносов В.О., Колесников Е.В. Принцип законности при производстве по уголовному делу и его интерпретации КС РФ // Журнал российского права. 2004 г. № 5. С.51

³¹ Функции прокурора на судебных стадиях уголовного процесса: дис.канд.наук. М., 2014 г. –С 22



муносабатларни тартибга солувчи, фундаментал характерга эга бўлган ҳамда ушбу босқичларга жалб этилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалда таъминлашга, процесс мақсад ҳамда вазифаларига эришишга хизмат қилувчи асосий ҳуқуқий қоидалардир.

Фикримизча, жиноят ишларини юритишда жиноят-процессуал принципларни ҳам ҳуқуқий, соҳалараро ва соҳавий принципларга ажратиш мумкин. Масалан, қонунийлик, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш умумҳуқуқий, одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, судда жиноят ишлари ошкора кўрилиши, иш юритиладиган тил соҳалараро, жиноят иши кўзғатишнинг муқаррарлиги, ҳақиқатни аниқлаш, айбсизлик презумпцияси, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш соҳавий принципларга киради.

Барча принциплар бир-бири билан узвий боғланган бўлиб³², улар одил судлов мақсадларига эришиш учун тенг муҳим бўлган ҳуқуқий асосларнинг яхлит мажмуини яратади³³. Олимларнинг фикрича, бу принциплар нафақат ягона мақсад учун хизмат қилишда ёки одил судлов олдидаги вазифаларга эришишда, балки ҳар қандай принципнинг умумий процессуал шакллари доираларида амал қилишда ҳам намоён бўлади³⁴.

Жиноят процессида суд ишларини юритиш фаолиятининг асосий йўналишларини ва моҳиятини белгиловчи фундаментал характерга эга бўлган қоидаларни принцип дейиш мумкин.

У.Тухташева жиноят-процессуал қонунчилигидаги принципларга суд-тергов ишининг қонунийлиги ва асосли ҳал этилишининг муҳим кафолати сифатида қаралишини таъкидлаган³⁵. Ф.Муҳитдиновнинг қайд этишича, жиноят-процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган асосий принциплардан ҳар қандай чекиниш одил судловга қарши бузилиш деб ҳисобланади³⁶.

Замонавий жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида принциплар тизимини ташкил қилиш масаласида икки умумий йўналиш шаклланган. Биринчи йўналишнинг марказидан жиноят процесси принциплари чегарасини қисқартириш ғояси ўрин олган. Жумладан, россиялик олим И.Пикалов жиноят процессида фақат қонунийлик ва тортишув принципини сақлаб қолишни таклиф этади. Унинг ёзишича, қайд этилган принциплардан ташқари бошқа принциплар жиноят-судлов ишларини юритишнинг асос ва шартларини ўрнатувчи процессуал-ҳуқуқий тартибни белгиловчи мақомга эга бўлиши лозим³⁷.

³²Жиноят процесси (Умумий қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (Иноғомжоновна З.Ф.нинг умумий таҳрири остида). –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008 й. 82-б.

³³ Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism. Darslik. // Mualliflar jamoasi. / yu.f.d., dots. G.Z.To'laganova va yu.f.n., dots. S.M.Raxmonovalarning umumiy tahriri ostida –Toshkent: TDYU nashriyoti, 2016-y. – 44-b.

³⁴ O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti Kengashida ma'qullangan. 2020-yil 8-sentabrdagi 1-sonli bayonnoma. Jinoyat-protsessual huquqi [Matn]: darslik. - Toshkent: Complex Print, 2020-y. – 33-34-b.

³⁵ Уголовный процесс: Общая часть. Учебное пособие / Автор-составитель к.ю.н. У.А.Тухташева. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2007 г. – 513 с. С. 21.

³⁶ Муҳитдинов Ф.М. Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик муаммолар юрид. фан. докт. автореферати. –Т., 2005 й. – 38-б.

³⁷Пикалов И.А. Состязательность в системе принципов уголовного процесса и ее реализация стороной защиты на досудебных стадиях: автореф. дисс...канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2006 г. -С.8.



Иккинчи йўналишда, аксинча жиноят процессини бошқа принципларни яратиш орқали унинг тизимини кенгайтириш зарур деб ҳисобланади³⁸.

Биз иккинчи йўналишни қўллаб-қувватлаган ҳолда муқаддам олиб борган тадқиқот ишларимизда амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликка “адолатли иш юритиш принципи”ни киритиш мақсадга мувофиқлиги, у нафақат суд ҳукмига, балки судда ишларни юритишга ҳам тааллуқли ҳисобланиши, бу эса ЖПКда белгиланган суд ҳукмининг адолатлилиги ҳақидаги талабни яна мустаҳкамлашга, жиноят процесси иштирокчилари, шу жумладан, прокурор фаолиятининг муҳим шарти бўлиб ҳам хизмат қилиши ҳақида хулоса қилган эдик³⁹.

Мазкур тадқиқот ишида муқаддам тадқиқ этилган ишни қўллаб-қувватлаб, унинг давомида сифатида суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурорнинг фаолиятига тегишли бўлган принциплар хусусида тўхталмоқчимиз.

Жиноят ишларининг суд муҳокамасида кўрилишида прокурор фаолияти принципларга асосланади. Принциплар жиноий суд ишларини юритишнинг моҳиятини ва йўналишларининг асосини белгилаб берувчи раҳбарий қоидалардир. Мазкур раҳбарий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЖПКнинг 2-бобида алоҳида шаклда мустаҳкамланган, шунингдек, процессуал шартлар билан матнда ёки нормада белгиланмаган бўлса-да, қонуннинг тегишли қоидаларининг маъносида мужассамлашган.

Шу билан бирга фикримизча, *принциплар* прокурорнинг ушбу йўналишда муайян ҳаракатни амалга ошириши учун асос бўладиган ҳуқуқий нормаларни ва қоидаларни белгилайди, прокурор иштирокининг фаолият мазмунини тавсифлайди, прокурорнинг бошқа фаолият йўналишларидан фарқли ва ўзига хос жиҳатларини очиқ беради.

ЖПКда белгиланган принциплар жиноят процессининг барча босқичларида прокурор ва процесснинг бошқа иштирокчилари учун мажбурий аҳамият касб этади. Масалан, қонунийлик (ЖПКнинг 11-м.), шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш (ЖПКнинг 17-м.), фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш (ЖПКнинг 18-м.), ҳақиқатни аниқлаш (ЖПКнинг 22-м.), айбсизлик презумпцияси (ЖПКнинг 23-м.), судда ишларни юритишда тортишув (ЖПКнинг 25-м.) ва ҳоказо.

Прокуратура фаолиятининг энг муҳим принципларидан бири бу қонунийлик бўлиб, бу бир томондан унинг фаолиятининг бошқа барча принципларини амалга ошириш учун зарурий шартдир, бошқа томондан эса давлатчиликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг энг муҳим воситасидир. Шу сингари ЖПКда белгиланган барча принципларнинг таъминланишига прокурор жавобгар субъект ҳисобланади.

Бироқ, мазкур умумий принциплар суд муҳокамасидаги прокурорнинг процессуал ҳолати хусусиятларини ва ўзига хос жиҳатларини тўлиқ очиқ бермайди.

Е.Ергашев жиноят ишларини судда кўришда иштирок этаётган прокурор фаолиятининг хусусиятларини белгилаб берувчи қуйидаги принципларга ажратган:

³⁸ Зинатуллин З.З. Основные вопросы современного российского процесса и их решение // Вестник Омского университета. Серия Право. №1 (4). Омск, 2008 г. -С.101. Мухитдинов Ф.М. Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик муаммолар юрид. фан. докт. автореферати. –Т., 2005 й. – 38-б.

³⁹ Довудова Д.С. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини такомиллаштириш масалалари./ юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Тошкент.: 2020 й.



- одил судловни амалга оширишга прокурор кўмаклашиши принципи – судларда жиноят ишларни тез кўриб чиқиш чораларини кўриш, судда далилларни тўлиқ ва холисона текшириш, давлат айбловини малакали таъминлаш, судга қонуний қарор қабул қилишни тарғиб қилиш, агар суд томонидан ноқонуний қарор қабул қилинганда, уни протест келтириш прокурор мажбуриятларидан ҳисобланади. Бу фаолиятнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, қайд этилган прокурор ваколатлари нафақат ҳуқуқ, балки давлат вакили сифатидаги мажбуриятларни ўзида мужассамлаштиради;

- ихтиёрийлик принципи - унга кўра, прокурорнинг судда жиноят ишларини кўришда амалга ошираётган фаолияти судлар учун мажбурий характер касб этмайди;

- судда жиноят ишларини кўришда иштирок этаётган прокурор ҳаракатларини билвосита амалга ошириш принципи – ишни кўришда иштирок этаётган прокурорнинг барча ҳаракатлари суднинг рухсати билан амалга оширилади;

- жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг мажбурийлиги принципи – прокурорнинг судда барча жиноят ишларининг кўрилишида иштирок этиши мажбурийдир. Бундан ташқари, ноқонуний ва асоссиз суд қарорларига прокурор протест келтириш чораларини кўриши мажбурдир⁴⁰.

Л.Курочкина судда прокурорнинг фаолиятига асос бўладиган бир қанча принципларни ажратади, яъни қонунийлик, ошкоралик, адолатлилик, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, айбсизлик презумпцияси, тортишув ва тарафлар тенг ҳуқуқлиги, процессуал мустақиллик, объектив ва холисоналик принципларини кўрсатган⁴¹.

Н.Буланова ҳам Е.Ергашев, Л.Курочкинанинг фикрларини қўллаб- қувватлаб, прокурорнинг суд муҳокамасидаги иштирокининг принципларини қуйидагича кўрсатади:

- 1) жиноят ишларининг суд муҳокамасида кўрилишида прокурор иштирокининг мажбурийлиги;
- 2) ошкоралик принципи;
- 3) судда жиноят ишларини кўришда иштирок этаётган прокурор ҳаракатлари билвосита амалга ошириш принципи;
- 4) одил судловни амалга оширишга прокурорнинг кўмаклашиши принципи;
- 5) процессуал мустақиллик принципи.

Шу билан бирга, Н.Буланова прокурорнинг суд муҳокамасидаги иштирокини кўрсатувчи принциплар қаторига ошкоралик принципи киритиш мақсадга мувофиқлигини ҳам илгари сурган. Мазкур принципга кўра прокурор давлат номидан айбловнинг қонуний ва асослилигини таъминлайди, жамоат манфаатларида - жамият ва давлат манфаатларида ҳаракат қилади, жиноий таъқиб ва айбдор шахсларга адолатли жазо тайинланиши, шу билан бирга, айбсиз шахсларнинг айбловидан воз кечиш, уларни жазодан озод қилиш, ноҳақ айбдор деб топилган шахсларни реабилитация қилиш жамоат манфаати ҳисобланади. Бу суд тергови натижасида

⁴⁰Ергашев Е.Р. Принципы прокурорского надзорно-охранительного права и его институтов: автореферат. дис. ... д-ра юрид. наук. Екатеринбург, 2008 г. С. 32-35.

⁴¹Курочкина Л.А. Проблемы обеспечения прокурором прав участников судебного разбирательства: дис. ...канд. юрид. наук. М., 2003. С. 10.



шахснинг айби далиллар билан ўз исботини топганмаган тақдирда прокурорнинг айбловдан қисман ёки тўлиқ воз кечишида намоён бўлишини қайд этади.

Процессуал мустақиллик принципи – прокурорнинг далилларни текширишда иштирок этишида, жиноий ҳолат юзасидан, хусусан, жиноят қонунчилиги ва судланувчига жазони қўллаш юзасидан судга ўз фикрини билдиришида намоён бўлиши ҳақидаги ўз нуқтаи назарини баён этган⁴².

Бизнинг фикримизча, олимлар Н.Буланова ва Е.Ергашев прокурорнинг бевосита фаолиятини очиб берувчи принциплар ҳақидаги фикрларни илгари сурган, Л.Курочкина эса Жиноят-процессуал кодексда белгиланган барча иштирокчи учун мажбурий бўлган принципларни прокурор фаолиятида таҳлил қилган.

Шу билан бирга, халқаро прокурорлар ассоциациясининг прокурорлар учун кўрсатмаларида шахс ёки фуқаро, жамият ва давлат манфаатларида мустақил ҳамда холис бўлиши, айбланувчиларга нисбатан адолатли ҳаракат қилиши, одил судловни ўз вақтида ва самарали амалга оширишга кўмаклашиши, ҳолатларга нисбатан қонунни тўғри қўллаш учун судга тегишли қонун ҳужжатларини, далилларни тақдим этиши, энг юқори ахлоқий ва профессионал стандартларга риоя қилиши, ҳалоллик ва эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиши ва бошқалар асосий принциплар белгиланган⁴³.

Биз процессуалист олимларнинг фикрларини қувватлаймиз, чунки прокурор суд процесси иштирокчиси бўлганлиги сабабли ЖПКда алоҳида принцип белгилаш имкони бўлмаса-да, бироқ у бошқа иштирокчилардан фарқ қилишини инобатга олиб, процессуал қонунчилик мазмуни унинг фаолияти хусусиятини очиб беришга қаратилган муайян принципларни қоидаларни келтириш мумкин.

Шунга кўра, жиноят-процессуал нормаларнинг мазмунида акс этувчи, умумий принципларнинг қоидалари зид бўлмаган қуйидаги, яъни прокурор иштирокининг мажбурийлиги, одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш, ошкоралик, адолатлилик, процессуал мустақиллик принципларини бевосита прокурор фаолияти хусусиятини очиб берувчи принципларга киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жиноят ишини кўришда прокурор иштирокининг мажбурийлик принципи – Жиноят-процессуал кодексига нормалари жиноят ишларини барча босқичда судда кўрилишида прокурор иштирок этиши шарт эканлиги ҳақидаги қоидани келтириб чиқаради.

Биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек, ишлар юқори судларда кўрилатганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилиши, иш судда кўрилатганда айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас деб белгиланган принципга асосланади (ЖПКнинг 25-моддаси).

⁴²Буланова Н.В. Участие прокурора в рассмотрении уголовных дел судами: монография/ Академия Генеральной Российской Федерации. –Москва: Проспект, 2018.- 192 с.

⁴³Prosecution Guidelines. Chapter 2. The role of the prosecutor. Published 29 March 2021. <https://www.odpp.nsw.gov.au/prosecution-guidance/prosecution-guidelines/chapter-2>



Мазкур қоида жиноят ишлари кўрилишида фақат бир томон иштирок этишини инкор этиб, давлат вакили сифатида прокурор иштирокини қувватлайди. Бу эса ЖПКнинг махсус нормаларида ўзининг ифодасини топади.

Хусусан, прокурор суд муҳокамасида қатнашиб, ЖПКнинг 409-моддасида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади. Шунингдек, прокурор биринчи инстанция, апелляция, кассация инстанция судларида ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда иштирок этади. Прокурор суд мажлисига келмай қолган тақдирда жиноят ишини муҳокама қилиш кейинга қолдирилади (ЖПКнинг 35, 409, 412-моддалари). Мазкур ҳолат Жиноят-процессуал кодексида белгиланибгина қолмай, амалиётда ҳам ёрқин ўз ифодасини топган.

Масалан, биргина 2021 йилда республика бўйича биринчи инстанция судларида 47657 та иш, апелляция инстанция судларида 8311 та иш, кассация инстанция судларида 7004 та иш⁴⁴ кўрилган бўлса, мазкур ишларнинг барчасида прокурор иштироки таъминланган.

Шу билан бирга, прокурор (ёки унинг ўринбосари) ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз суд қарорларига протест (ёки хусусий протест) келтириш орқали ҳам бевосита иштирок этади. Бу эса унинг мажбурияти ҳисобланади. Чунки ҳар қандай ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз суд қарорларининг замирида инсон ҳаёти, тақдири ётади (ЖПКнинг 497², 497¹¹, 499, 504², 512, 524-моддалари).

Мазкур принцип ҳақида фикр билдирган Е.Ергашев ҳам бизнинг қарашларимизга монанд уни икки шаклга ажратган: биринчиси прокурорнинг давлат айбловчиси сифатида суд муҳокамасида бевосита иштирок этиши; иккинчиси эса, прокурорнинг ноқонуний суд қарорларига қонунда белгиланган тартибда протест келтириши⁴⁵.

Шу билан бирга, ҳимоячининг ЖПКнинг 51-моддасида белгиланган жиноят ишлари кўрилишида иштирок этиши шарт бўлиб, қолган ҳолларда унинг иштироки тарафнинг ихтиёрига боғлиқ бўлади. Прокурор иштирок эса қонун билан белгиланган бўлиб, бирон-бир субъектнинг ихтиёрига боғлиқ эмас.

Одил судловни амалга оширишга қўмаклашиш принципи – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади (ЖПК 12-м.). Жиноят ишини юритишда масъул бўлган давлат органи ва мансабдор шахси ўз функцияси доирасида судга одил судловни амалга оширишга қўмаклашади.

Прокурор жиноят процессининг жиноят ишини юритишда масъул бўлган давлат органи ва мансабдор шахси сифатида иштирок этади. Бундан кўринадики, у давлат вакили сифатида намоён бўлади. Давлат эса ўз вакилларига жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборат вазифа юклайди (ЖПК 2-м.). Қайд этилган вазифаларни бажариш ваколат

⁴⁴ Бош прокуратуранинг 03.06.2022 йилдаги 30/5-56350/22-сонли хати асосида олинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди статистик маълумотлари (Олий суднинг 05.07.2022 й, 07/13-7623-213-сонли хати)

⁴⁵Ергашев Е.Р. Принципы прокурорского надзорно-охранительного права и его институтов: автореферат. дис. ... д-ра юрид. наук.Екатеринбург, 2008 г. С. 32-35.



доирасида ҳар бир жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларининг мажбуриятидир.

Бу борада тадқиқот олиб борган Е.Ергашев ҳам судда иштирок этаётган прокурорлар учун одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш принципи ҳақида суд ва прокуратура органларининг ҳамкорлиги мақсади ва вазифаси процессуал қонунчиликда белгиланганлиги, прокурорнинг фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини амалга оширишда ҳаракат қилиши одил судловга кўмаклашишида намоён бўлиши ҳақида фикр юритади⁴⁶.

Шу сабабли прокурор давлат вакили сифатида судга ҳолат юзасидан ҳақиқатнинг аниқланишига, моддий-процессуал нормаларнинг тўғри қўлланилишига қонунда белгиланган ваколати доирасида айбловнинг қонунийлиги ва асослилигини таъминлаш орқали кўмаклашиши шарт.

Ошкоралик принципи – прокурорнинг иштироки суд муҳокамасида қатнашаётган фақатгина тарафларнинг хоҳишига боғлиқ эмас (рад этиш ҳолатлари бундан мустасно). Шу билан бирга, прокурор ҳам тарафларнинг илтимоси бўлмаса ҳам шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган процессуал ҳаракатларни амалга оширишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Процессуал қонунчиликка мувофиқ, прокурор ўзининг ваколати доирасида суд муҳокамасида процессуал ҳаракатлари, билдириладиган фикрлари ошкора амалга оширилади. Прокурор суд билан алоҳида маслаҳатхонага кирмайди, илтимосномани, музокара нутқини ошкора эълон қилади. Бу эса барча судларда жиноят ишлари ошкора кўрилиши ҳақидаги принципни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Адолатлилик принципи - давлат айбловининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлаш, айбловни ўзгартириш ёки айбловдан воз кечиш ваколатларини амалда рўёбга чиқаришида намоён бўлади.

Шу билан бирга, олимлар Н.Буланова ва Е.Ергашев адолатлилик принципи ҳақида фикр билдирмаган бўлса-да, Л.Курочкина прокурор фаолияти принципларига адолатлилик принципини қўшган. Олимнинг фикрларини қўллаб-қувватлаб, принциплар қаторига прокурорнинг адолатлилик принципини киритиш лозим. Мантиқан ўйлаб қаралганда, миллий қонунчиликдаги принциплар қонунга таянган ҳолда адолатни қарор топтиришга хизмат қилиши лозим.

«Албатта, Аллоҳ адолатга, эҳсонга, қариндошларга яхшилик қилишга амр этадир ва фаҳшу мункар ҳамда зулмкорликдан қайтарур (Наҳл, 90)»⁴⁷.

Амир Темурнинг «Куч адолатда», «ҳар мамлакатда давлат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим», «Адоват эмас, адолат енгади», «Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал», «Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқ бўлишга интилдим» деган ҳикматлари давлат бошқарувида адолатнинг устуворлигига бирламчи вазифа сифатида қаралганлигини кўрсатади⁴⁸.

⁴⁶Ергашев Е.Р. Принципы прокурорского надзорно-охранительного права и его институтов: автореферат. дис. ... д-ра юрид. наук. Екатеринбург, 2008 г. С. 32-35.

⁴⁷ Адолат мулкнинг асосидир. <https://islom.uz/maqola/1530>

⁴⁸ Темур тузуклари. -Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991 й., 64-б.



1948 йил 10 декабрдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиной айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Европа давлатлари Бош прокурорларининг 2005 йил 31 майдаги конференцияси томонидан қабул қилинган “Прокурорлар этикаси ва ҳуққ атвори бўйича Европа раҳбарий принциплари” прокурорлар зиммасига Европа конвенциясининг 6-моддасида белгиланган адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ принципини қувватлаш ва судлар томонидан адолатли суд ҳужжатлари қабул қилинишида уларга ҳар тарафлама кўмаклашиш, тарафларнинг тенглиги принципини ҳамда жабрланувчи ва гувоҳлар манфаатларини ҳимоя қилиш каби ва бошқа мажбуриятларни юклайди⁴⁹.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, суд оstonасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак.

Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммунаил Кант айтганидек, адолат йўқолган пайтда ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди. Одил судлов – адолатдан воз кечиши мумкин эмас, адолат эса фақат жазо чораларини қонуний қўллашдангина иборат эмас⁵⁰.

Жиноятчилик билан курашиш, жамиятнинг мутлақ манфаатини ифода этса-да, аммо бу фаолиятнинг туб илдизида инсон тақдири ётади, унинг тақдирини эса ҳақиқат ва адолат тушунчаларисиз ҳал этиш мумкин эмас⁵¹.

ЖПКда ҳар бир жиноят иши бўйича ҳақиқатни ўрнатиш лозим эканлиги эътироф этилиб, у принцип даражасига кўтарилган экан (22-м.), шу сабабли ҳақиқатга эриштирувчи йўл ва унинг натижаси ўлароқ адолат ҳам жиноят процессининг принципи сифатида тан оlinиши лозим. Чунки ҳар иккиси ҳам бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи тушунчалардир. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ҳақиқат аниқлансагина – адолат ўрнатилиши, адолатли процессуал шаклларгина – ҳақиқатга эриштириши мумкин⁵². Арманистон Республикасида жиноят ишларини адолатли кўриш принципи мавжуд бўлиб, адолатли иш юритиш билан боғлиқ қоидалар белгиланган (ЖПК 17-м.)⁵³.

А.Курочкинанинг фикрича, адолат принципи жиноят содир этишда айбдор шахсга жазо тайинлаш билан боғлиқ⁵⁴. Назаримизда, унинг фикри бир томонга, яъни моддий

⁴⁹ Европа давлатлари Бош прокурорларининг 2005 йил 31 майдаги конференция томонидан қабул қилинган “Прокурорлар этикаси ва ҳуққ-атвори бўйича Европа раҳбарий принциплари”. // Электрон манба: <https://rm.coe.int/>

⁵⁰ Кони А.Ф. Собр соч. М., 1967 г., С.51

⁵¹ Мухитдинов Ф.М. Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик муаммолар юрид. фан. докт. автореферати. –Т., 2005 й. –38-б.

⁵² Мухитдинов Ф.М. Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик муаммолар юрид. фан. докт. автореферати. –Т., 2005 й. – 41-б.

⁵³ Уголовно-процессуальный кодекс Армении Республики от 01.09.1998 №3Р-248, принят Национальным Собранием Республики Армения от 01.07.1998 г. ИГ, URL: <https://www.arlis.am/documentview.aspx?docid=82645> (Қаралган вақти 10.09.2023 й.)

⁵⁴ Курочкина Л.А. Проблемы обеспечения прокурором прав участников судебного разбирательства: дис. ...канд. юрид. наук. М., 2003 г. С. 40.



хуқуқ нормасига қаратилган, бироқ жиноий суд ишларини юритишда ҳам адолатлилик принципи процессуал тартибни қўллашда ҳам намоён бўлади.

Биринчидан, адолатлилик принципи жазо чорасини сўрашда намоён бўлса, яъни прокурор жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо чорасини сўрашда фақатгина оғирлаштирувчи ҳолатларга эмас, балки енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳам инобатга олиши, шу билан бирга, шахснинг ҳаракатларини айбловда назарда тутилгандан оғир ёки енгил ёхуд бошқа моддага ўзгартиришни ёхуд шахснинг ҳаракатларида реабилитация қилиш учун асослар аниқланган тақдирда айбловдан воз кечиш ваколатларидан фойдаланиши лозим.

Иккинчидан, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, судда жиноят ишларини юритиш процессуал қоидалар асосида тўлиқ текширилиб, ҳақиқий ҳолат аниқланган тақдирдагина иш адолатли якун топади. Демак, адолатлилик принципи жиноят ишларини юритишда ҳам ўз ифодасини топади, яъни жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши, ҳақиқатни аниқлашга, айбсизлик презумпцияси ҳақидаги принципни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Шунга кўра, прокурор ҳар бир процессуал қонун талаблари барча учун бир хил қўлланилишига жавобгар бўлиб, татбиқ этилмаган тақдирда ўз ваколати доирасида суд муҳокамасида ёки суд қарорларига муносабат билдириши лозим.

Фикримизча, прокурорга суд муҳокамасида адолатлилик принципини киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб, у прокурорнинг судда жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш чораларини кўришдаги фаолиятида ҳамда жиноят ишларини юритишда процессуал талабларни барча учун бир хилда қўлланилишида ҳам намоён бўлади.

Бу эса давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши ҳақидаги конституциявий принципнинг амалдаги ифодасини кўрсатади.

Процессуал мустақиллик принципи – ЖПКнинг 409-моддасига асосан прокурор ЖПК, Ўзбекистон Республикаси бошқа қонунларининг талабларига ва ишнинг барча ҳолатларини қараб чиқишга асосланган ўз ишончига амал қилиши белгиланган. Шу билан бирга, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда прокуратура фаолият йўналишлари принципларидан бири мустақилликдир.

З.Ибрагимов деярли барча мамлакатларнинг қонунларида прокуратуранинг мақоми қандай бўлишидан қатъи назар, судда прокурорнинг (давлат айбловчисининг) мустақиллиги таъкидланганлигини қайд этган⁵⁵. Н.Буланова ўз тадқиқот ишида процессуал мустақиллик принципини далилларга мустақил баҳо бериш принципи билан боғлаган бўлиб, прокурор – давлат айбловчиси далилларни тақдим этиш ва

⁵⁵ Ибрагимов.З.С. Давлат ҳокимияти тизимида прокуратуранинг ўрни ва роли (қийёсий-ҳуқуқий таҳлил). юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Д-355.Тошкент-2010 й., 127-б.



текширишда, иш ҳолати бўйича фикр билдиришда, судланувчига Жиноят кодекси нормалари ва жазо тайинлашда намоён бўлиши билан ифодалайди⁵⁶.

Шу билан бирга, ЖПК нормалари прокурорга муайян ваколатларни бериш орқали унинг процессуал мустақиллигини мустаҳкамлайди. Қонун томонидан прокурорга юклатилган ваколатлардан жиноят процессининг бошқа иштирокчилари маҳрум этолмайди. Масалан, жиноят ишларида иштирок этиш, протест келтириш, суд муҳокамаси давомида ва натижасида фикр билдириш ва ҳоказо.

Бундан ташқари, прокурор давлат айбловини қувватлашга мажбур бўлмай, суд муҳокамаси натижаси бўйича шахсга қўйилган айблов ўз тасдиғини топмаса, у айбловдан воз кечиши шарт.

Хулоса ўрнида фикримизча, юқоридагилардан келиб чиқиб прокурорнинг жиноят процессининг суд муҳокамасидаги фаолиятида қўллайдиган принципларни умумий ва махсусга ажратиш мумкин.

Умумий принциплар – бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган умумий принциплар қоидаларидан келиб чиқувчи жиноят ишларини юритишнинг хусусиятлари, характери ва мазмун-моҳиятини белгиловчи ҳамда процесс босқичларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш билан боғлиқ жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солувчи, фундаментал характерга эга бўлган ҳамда ушбу босқичларга жалб этилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалда таъминлашга, процесс мақсад ҳамда вазифаларига эришишга хизмат қилувчи асосий ҳуқуқий қоидалардир.

Умумий принциплар - бу ЖПКда назарда тутилган жиноят суд ишларини юритиш билан боғлиқ принципларни ўз ичига қамраб олган, процесс иштирокчиларининг барчасига тааллуқли бўлган, иш юритишда ҳал қилувчи аҳамият касб этган, асосий раҳбарий қоидалар йиғиндисидир. ЖПКда белгиланган барча принципларнинг таъминланишига прокурор қонун вакили сифатида жавобгар субъект ҳисобланади.

Махсус принциплар эса - бу судда жиноят ишларини юритишда процесс иштирокчиси сифатида прокурор фаолиятига тегишли бўлган, раҳбарий принцип қоидаларига зид бўлмаган, жиноят-процессуал қонунчилик нормалари мазмунидан келиб чиққан ҳамда прокурорнинг процессуал фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатларини ажратиб берувчи принциплардир.

Шу билан бирга фикримизча, суд муҳокамасида прокурорнинг иш юритиш билан боғлиқ принциплари сифатида қуйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

- ***жиноят ишини кўришда прокурор иштирокининг мажбурийлик принципи*** - ЖПКга мувофиқ жиноят ишларининг судда барча тоифадаги ишларда ва босқичларда кўрилишида прокурор иштироки мажбурийдир, бу эса тортишув принципи қоидаларининг амалдаги ифодаси ҳисобланади. Бундан ташқари, ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз суд қарорларига прокурор протест келтиришга мажбур ҳисобланади;
- ***одил судловни амалга оширишга қўмаклашиши принципи*** – прокурорнинг қонун тўғри қўлланилиши юзасидан ўз ваколатларини судда амалга ошириши нафақат

⁵⁶ Буланова Н.В. Участие прокурор в рассмотрении уголовных дел судами: монография/ Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации. –Москва: Проспект, 2018 г. – С 8.



ҳуқуқини, балки уни давлат вакили сифатида мажбуриятини ўзида мужассамлаштиради;

- **ошкоралик принципи** - судда ишларнинг кўрилишида прокурорнинг барча процессуал ҳаракатлари, билдирадиган фикрлари ошкора амалга оширилади;

- **адолатлилик принципи** - давлат айбловининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлаш орқали адолатли қарор топтириши, айбловни ўзгартириш ёки айбловдан воз кечиш ваколатларини амалда рўёбга чиқариши, жиноят-процессуал талабларни барча процесс иштирокчиси учун бир хилда қўлланилишини таъминлашида намоён бўлади;

- **процессуал мустақиллик принципи** - прокурор ЖПК, Ўзбекистон Республикаси бошқа қонунларининг талабларига ва ишнинг барча ҳолатларини қараб чиқишга асосланган ўз ишончига амал қилишида ифодаланади.

Судда қонун устуворлиги, уни аниқ ва бир хилда қўлланилиши, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши, жамият ва давлат манфаатлари таъминланишида прокурор фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва принциплари муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан прокурор суд муҳокамасида умумий ва махсус принципларга қатъий риоя қилиши, уларни қўллаш орқали суд қарорларини қонуний, асосли ва адолатли бўлишига қўмаклашиши лозим. Прокурорнинг қонунга асосланган принципиал позицияси прокуратура органлари нуфузини оширишга хизмат қилади.